

Сайёд ЖҮРАЕВ

ТАФАККУР ЁЛКИНИ

*Таниқли адабиётшунос олим, адид ва шоир
Поён Равшановнинг ҳаёти ва ижодий
биографиясига чизгилар*


**Қарши
“Насаф” нашриёти
2005**

83,3(54)6

Теран ақл ва идрок сохиблари ўзларининг яратувчанлик фаолиятлари билан инсоният ҳаётидаги йўлчи юлдузларга айланадилар. Уларнинг нурафшон ва безавол маърифат шуълаларидан шаффоғ тортган олам нақадар гўзал ва Кудратлидир.

Тадқиқодчи Сайёд Жўраевнинг ушбу „Тафаккур ёлқини“ китобчасида истеъоддли адабиётшунос олим, адаб ва шоир Пойн Равшановнинг ҳаёти ва иходига чизгилар берилган.

Мухаррир: Темирпўлат ТИЛЛАЕВ



4702620201- 320
Ж 320-2005
376 (03) 2005

© С. ЖЎРАЕВ - 2005

ISBN 5-7323-0505

ТАФАККУР ЁЛҚИНИ

Поён Равшанов "Қашқадарё тарихи"ни яратиб, инсоф юзасидан айтиши жоизки, ўзига ҳайкал тиклади.

*Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ҳалқ шоири.*

Кишинг узок туныли оқшомларининг бирида "Қашқадарё тарихи"ни варактлай бошладим. Юртимизнинг олис кечмиши, - бепоён дала-даштлари манзараларининг неча бор ўзгаргани, шаҳарлар жойларининг обишиб туриши, ватанпарвар, жасоратли, эркпарвар кишилар матонати, буок алломалар, етук санъаткорлар, хунармандларнинг порлок умр йўллари... кузларим олдидан кино лентасидай ўта бошлади. Узим ҳам тарихга қизиқман Қашқадарёнинг кечмиши кўп минг йиллар нарига бориб тақалиши, воқеаларга бойлиги, жаҳон цивилизациясидаги ўрнини сезмаган эканман. Нимадандир дикқатим булиниб, осма соатнинг "чиқ-чиқ" кулогимга чалинди. Карасам, соат мили тунги учдан ўтаялти. Соатга ишонмай ташқарига чикдим. Хулкар фарб томонга оғиб, тўли вва гўзал ой беғубор осмонга кутарилиб, борликка заррин нурларини соча бошлаган экан. - Китоб саҳифаларида мазмунга сингиб кетганимдан сакииз соат вақт бир неча дақиқадай ўтганини сезмабман. Шу пайт машхур олим М.С Брагинскийнинг, «Яхши китобда сехр жо бўлади», дегани эсимига тушди. Толикканман шекилли, ҳарфлар кўзларимга пирипраи бошлади. Келган жойимни белгилаб, китобни ёпдим-да, жойимга чўзилдим. Уйкум келмади. Китобдаги воқеалар хаёлимда қайта жонланниб, муз зриб, тошқин бошлангандай юртимга муҳаббатим дам сайин орта бошлади. Буок қаҳрамонлар, аллома ва шоирлар, донишмандлар юти Қашқадарёдан эканимдан беихтиёр фахрландим.

Муаллиф бу китобни дунёга келтиргунча ҳар бир воқеа, ҳар бир жумбоскни аниқлаш учун қанчадан-қанча тунларни уйкусиз ўтказди экан. Қадим қўлёзмаларни титкилаб, вақти бемаҳал аллақаерда бўлиб, аждодларимиз юрган йўллардан чуқур мулоҳаза билан ўтгандир... Бунчалар кўп манбаларни йиғиш, ўрганиш, аниқлик киритиш учун катта юрак, бардош-тоқат, чидам соҳиби булмоқ керак. Бу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одам қудрат соҳиби ҳисобланади. Бу хил кишилар буюклик ва мўътабарликка дахлдор. Шу дам улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг "Бир ҳайкал яратдим ўзимга ўзим, Александр қуббасидан ҳам баланд" сингари Фаҳр туифуси билан битилган ўтли мисралари хаёлимда жонланниб. Поён ака ҳам ўз умрининг гуллаган, куч-қудратга тўла даврини юртимиз тарихини ўрганиш ва ёритишга баҳш этиб, ўзлари учун бир ҳайкал кўйибдилар, деган хulosага келдим. Шу он улуғ алломалар пурвиқор тоғ силсилалирига. Поён

ака шу силсиладаги баланд чўққига ўхшаб кетди. Улкан ишларни амалга ошириш юракдаги мұхаббат ёки нафрат-нинг нечогли кучилигига боғлик.

Поён Равшанов 1941 йил 20 июляда Кашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Катта Дўстберди қишлоғида та-валлуд топди. Отаси Равшан Курбонов илм ва билимни гоят кадрлаш билан бирга ҳайтни мактаб деб билганлар. Узлари севган мактабдан доим таҳсил олиш баробарида куп ийллар қишлоқ шўросининг раиси, хўжалик бошқарувининг раиси бўлиб фаолият кўрсатдилар. Кексалик нафақасига чиққунларича одилона иш юритишлари натижасида туманнинг энг мўътабар кишилардан бири бўлиб қолди. П. Равшановнинг оналари Ойбаҳор ая Алиева тушунчали, оқила аёллардан. Отанинг талабчанлик, изланувчанлик ва мулоҳазакорлик фазилатлари тўлигича Поёнга кўчди.

Дилида илм ва билимга меҳр-муҳаббат уруғи униб чиққан Поён Равшанов 1963 йилда Самарқанд Давлат университетининг Узбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тутагиб, "Зарафшон" (собиқ "Ленин йўли") газетаси таҳририятининг редактори Лутфилла Ҳамроевнинг маслаҳати билан Самарқанд вилоят газета таҳририятида иш фаолиятини бошлади. У олийгоҳда ўқиши мобайнида мақолалари билан вилоят газетаси таҳририяти ходимларининг эътиборларини ўзига жалб қилган эди. Газетада ишлаш мобайнида эса қалами чархлана борди, илмий мақолалари билан республика газеталари сахифаларида тез-тез кўрина бошлади.

Карши Давлат педагогика институти ректори Курбон Улжабоев мақолалари орқали таниб ва суриштириб, кела-жагига катта ишонч боғлаб, Поён Равшановни пединститутга ишга таклиф қилди. 1964 йил 15 февралдан у пединститутда ўқитувчилик қилиб иш фаолиятини давом эттириди. 1965 йилда Самарқанд Давлат университети аспирантурасига ўқишига кириб, таникли олим Ориф Икромов раҳбарлигида "Ўзбек болалар повестчилигининг шаклланиши ва тараққиёті" деган мавзуда илмий иш олиб борди ва филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

П. Равшанов 1983-1988 йиллар мобайнида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, 1989-1993 йилларда тарих-филология, факультетларининг декани лавозимларида самарали хизмат қилди. 1993-1995 йилларда эса катта илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатди. 1996 йил сентябрдан университет ўкув ишлари бўйича ректор ўринбосари сифатида фаолият кўрсата бошлади. Илм-фандаги ҳамда ёшлар тарбиясидаги хизматлари учун олим 1996 йил "Шухрат" медали билан мукофотланган.



Таниқли олим ва адаб Поён Равшанов жонажон дорилғунини-
Карши давлат университети жамоаси даврасида

Поён Равшанов раҳбарлик, ташкилотчилик ишлари билан чегараланиб қолмай, тинимсиз ижод қилди. Ўзларининг таъкидлашича, узоқ йиллик тинимсиз, мешакатли меҳнат маҳсули "Қашқадарё тарихи" дунё юзини кўрди ва китобхонлар томонидан самимий кутиб олинди. Китобхонлар хурмат-эътибори, олқиши олимни аждодлар кечмишини янада чукурроқ ўрганиш ва ёритишга илҳомлантирилди. "Тарих бадиияти", "Хофиз Рӯзибой Машраб", "Аждодларимиз қадри", "Темурнома", "Туркий қавмлар тарихи" сингари китоблари бирин-кетин китобхонлар қўлига тегди.

Юрт ўтмишига ҳалқона ёндошишдан бўлса керак, П. Равшанов илмий асарларининг тили равон, қизиқарли, таъсирли, ёдда қоларли, ўқимишли. Машхур хонанда Фахриддин Умаров мумтоз хонандалик билан ҳозирги замон хонандалигини омухталаштириб, санъатда янгилик кашф этганларидек, у киши илмий асар билан бадиий асар ўртасида кўприк ясаб. Икки йўналишни бир-бирига туштирган булса, не ажаб? Буни одил ҳакам-вақт исботлайди.

Олим адабиётшунослика ҳам ўзига хос билим эгаси, Чунки Поён ака эътиборига тушган ҳар бир асарнинг ютуғи билан камчилиги аниқ талқин қилинади. Буни "Адабий саҳифалар" китобида ёрқин кўриш мумкин. Бу олимнинг фикр доираси кенглиги, мулоҳазаси чукурлигига дарак беради. Демак, олим чукур билимли, кенг тушунчали. "Ўзбекистон янги тарихи" кўп жилдли китобининг биринчи жилди муаллифлиги юқоридаги фикрнинг яна бир исботи.

Бадиий ижод соҳасида ҳам Поён Равшанов китобхонлар эътиборини ўзига жалб қилди."Завол", "Амир Темур түғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси", "Амир Темур хонадони", "Сайднаби Қоравулбеги", "Малика Кенагас ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси" сингари қиссалари бадиий адабиётта янгилик бўлиб кирди. Китоблардаги тарихий қаҳрамонларнинг ҳар бирининг тили, хатти-ҳаракати, ички ва ташқи кўриниши, дунёқараши, мөхирона кўрсатилиб, олим салоҳиятини тарихий мавзуларда қиёмига етганини билдиради. Ҳа, юртимизнинг жаҳон кечмишига туташ кечмиши, воқеалар ва ҳодисаларга бойлиги, буюк донишмандларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган салмоқли ҳиссаларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат етук олим, серқирра ижодкор Поён Равшановни кашф этди.

Яқинда нашрдан чиқкан "Малика Кенагас ойим ёхуд амир Насруллонинг ўлими қиссаси" китобларини вараклаб, олимнинг шоиртабиат эканлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Китобдан жой олган "Таскин" рубоийлар туркумини кузатар эканман, бетакрор ташбехларининг жилосидан хайратландим. Асрларнинг воқеалари содда, тил учида турган гаплар... Шунинг учун рубоийлар халқчил.

Муҳаммадга уммат, Аллоҳга бандаман,
Тавба аҳли ила мудом бир ёнданман.
Хаётим шамин ёккан икки азиз зот-
Ота-онам қайда бўлса мен шундаман.

Юқорида келтирилган рубоий таҳлилига ҳожат йўқ. Сода, лекин мазмуни бир олам, тарбиявий аҳамияти ҳам ўз-ӯзидан ойдин.

Ватан ўтмиши, аждодларга меҳр, уларнинг босиб ўтган заҳматларга тўла ва шарафли йўлларига қайноқ меҳр шеърларда ҳам депсиб турипти. Мана, яна бир мисол:

Мен тарихни ўз билгумча англадим,
Боболардан ҳавасландим, туйдим шон.
Исламин набираларимга танладим:
Темурбек, Шоҳмалик, Шоҳруҳу Комрон.

Кишининг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ўз яқинларига, муносабати ва фарзандларининг камоли билан ҳам белгиланади. Бу ҳадисларда ҳам қайта-қайта айтилган. Поён ака йирик олим булишлари билан бирга намунали рўзгор соҳибидир. Олимнинг рафиқалари Садаф опа Азимованинг касблари тикувчилик. Садаф опа Карши тикув фабрикасида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, қарилик нафақасига чиққанлар. Поён ака ва Садаф опанинг бир киз, беш ўғиллари бор. - Қизлари Гулора қта йўлини тутган, Карши Давлат университетида ўқитувчи. Уғилларининг ҳаммалари олий маълумотли мутахассислар, ўз соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда.

Атоқли тарихчи олим, адабиётшунос ёзувчи, шоир Поён

Равшанов умрининг нурли фаслига етди. Ижодда айни куч-
гайратга тулган пайлари Китобхонлар серқирра олим ва се-
вимли ижодкорларидан кўпдан-кўп илмий, бадиий асарлар ку-
тади.

МУВАШШАҲ

Поёнсиз дунёнинг бепоён дарди,
Охи узра тошдек чўқди аллома.
Ёритди корт кечмишини у мард,
Нондек эъзозларди шаънини аммо.
Равон фикрларнинг ҳудуди чексиз,
Аниқликда мисли қуёшли осмон.
Ватанда камтару билимда тенгсиз,
Шаршарадек жўшқин ҳам янгроқ сухан.
Адабиёт, тарих илми-ю наср ва
Назм жилвасин ҳам килди намоён.
Офарин, курмишдир китобдан қаср,
Васф этсам, таърифига сўз етмас аён.
Ганжлар ичра гўё танҳо дурдона,
Асарлари, илми бирла Мавлоно.

Ушбу мўъжаз тадқиқод устоз Поён Равшановга бўлган чексиз эҳтиромимизнинг рамзи сифатида ёзилди. Поён Равшановнинг илмий, адабий-бадиий ижоди ҳакида тўлақонли тад қиқод яратиш ниятидамиз.

Муаллиф.

МАЪРИФИЙ-НАШР

Сайёд Жўраев

ТАФАККУР ЁЛҚИНИ

*Таникли адабиётшунос олим, адаб ва шоир
Поён Равшоновнинг ҳаёти ва иходий
биографиясига чизгилар*

Техник мұхаррир: Самандар Мусаев.

Мусаххих: С. Ҳожиев

Компьютерчи: Алиёр Муродов

ИБ № 0841

Теришга 15. 03. 2005 йилда берилди. Босишига 20.03. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими $60 \times 84 \frac{1}{52}$. Газета қозози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоби 0,6. Шартли бўёқ-оттиск 0,9. Нашр босма табоби 00,5. 500 нусхада. 144 -2004 -шартнома. № 20-56 буюртма. Эркин нарҳда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Карши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 22-уй.

„Графика” МЧЖ. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси.